

Мўғул татар қиссаси

25- қисм

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبکي]

АБУ АБДУЛЛОҲ аш-ШОШИЙ

Нашрга тайёрловчи: Шамсиiddин Даргомий

2012 - 1433

IslamHouse.com

قصة التتار - المغول

الحلقة الخامسة والعشرون

« باللغة الأوزبكية »

أبو عبد الله الشاشي

مراجعة: شمس الدين درغامي

2012 - 1433

IslamHouse.com

Бисмиллахир роҳманир роҳим

Мўғул-татар қиссаси

Барча мақтовлар Оллоҳга хосдир. Унга ҳамду сано ва истиғфорлар айтамиз, Ундан ёрдам сўраймиз, нафсларимиз ҳамда ёмон амалларимиздан паноҳ тилаймиз. Оллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен шериксиз, ягона Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг бандаси ва элчисидир, деб гувоҳлик бераман.

Ўтган сухбатимизда:

- Довулчилар гурухининг жанг майдонидаги ўрни;
- Айн-Жалут маъракасининг бошланиши;
- Мўғул қувватининг Айн-Жалут водийсига тамоман кириши;
- Мўғул лашкарининг қуршовда қолиши;
- Кутузнинг жанг майдонига кириши;
- Мўғул қўмондони Китбуғанинг ўлдирилиши;
- Мўғулларнинг мағлубияти ва Айн-Жалутдан қочиши;
- Кутуз раҳимахуллоҳ Ислом мезонида кабилар мавзуумиз бўлган эди.

Айн-Жалут жангидан олдин мўғулларнинг мусулмонлар устидан ғолиб бўлиши сабаблари

Бутун оламга катта ўзгариш киритган Айн-Жалут жангидан олинадиган дарс ва ибратлар беҳисобдир. Ўша кундаги мусулмонларнинг, айниқса Малик Музаффар Сайфуддин Кутузнинг ҳар бир қадами, чизган режаси узундан узоқ шарҳларга лойикдир. Айн-Жалут жангидан ер юзида бузғунчилик ва ваҳшийликлар сиёсатини қўллаб келаётган мўғул лашкари тор-мор қилинди. Оллоҳ таоло бузғунчиларнинг ишини ўнгламайди. Мўғул истибоди узоқ йиллар, яъни 40 йилдан ортиқ мuddат муттасил мусулмонлар устидан ғолиб бўлиб келди. Бу даврда мусулмонлар қаҳр, жабр-зулм ва қаттиқ босим остида яшадилар. Мусулмонлар ўнлаб, ҳатто юзлаб жангларда мағлубиятга учрадилар. Кун келиб, бу жабр-зулм, хорлик ва истибододга Айн-Жалут маъракасида нуқта қўйилди. Мусулмонлар улкан ғалабага эришдилар. Оллоҳ таоло марҳамат қиласиди,

"Бу кунларни (яъни ғалаба ва мағлубият кунларини) одамлар орасида айлантириб турамиз"¹

Ушбу ўринда иккита савол туғилиши мумкин, у иккисининг ҳам ечими бир.

¹ Оли-имрон: 140

Биринчи савол: нима учун мўғул лашкари Ислом умматга ғолиб бўлди? Ҳолбуки, мусулмонлар яхши, афзал уммат эдику! Гарчи Ислом уммати ўз манҳажига хилоф иш тутсалар, зиммаларидағи вожиботлардан узоқлашиб, қосирлик қилсалар ҳам, охир-оқибат барибир Ислом уммати эдику! Шундай экан, нима учун Оллоҳ азза ва жалла бузғунчи мўғулларни Ислом умматига ғолиб килди?

Иккинчи савол: нима учун мўғул лашкари собиқ жангларда мусулмонлар устидан ғалабага эришдилар-у, Айн-Жалут жангига мағлубиятта учрадилар? Ҳолбуки, мўғул лашкари ўша ўша эдику! Нима сабабдан ўтган жангларда ғолиб бўлиб келган қўшин, Айн-Жалут жангига ғаройиб суратда батамот ҳалокат узра юз тутди?

Бу икки саволга саҳобий жалил амирул-муъминин Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анхунинг ҳаётидан жавоб топамиз. У киши буюк "Қодисия жангига"да ислом лашкарига сардорлик қилган Саъд ибн Абу Ваққос разияллоҳу анхуга қўйидагича хитоб қиласди: "*Сени ва аскарларингни ҳарқандай ҳолатда Оллоҳдан тақво қилишига буюраман, зеро, Оллоҳдан тақво қилиши душманга қарши тайёрланишининг энг афзали ва ҳийланинг энг кучлиси*dir. *Сени ва ёнингдагиларни душманингиздан кўра гуноҳингиздан эҳтиёткор бўлишингизга чақираман, чунки гуноҳ сизлар учун*

дүшманга қараганда хафвлироқдир. Мусулмонлар дүшманлари устидан уларнинг Оллоҳга қилган маъсиятлари сабаб нусратланадилар. Шундай бўлмаса, бизнинг уларга қувватимиз етмаган бўларди, чунки биз улардан оз ҳамда тайёргарлигимиз уларни кидай эмас. Бордию маъсиятда улар билан баробар бўлсан, улар биздан қувватда устунлик қиласди. Фазилатимиз ила нусратга эришимасак, қувватимиз билан уларни енголмаймиз. Билингларки, сафарингизда қиласдиган шиларингизни билиб турадиган Оллоҳ азза ва жалла томонидан сақлаб турувчи фаришталар бордир, шундай экан улардан ҳаё қилинглар! Оллоҳнинг йўлида бўлган ҳолларингда Оллоҳга маъсият қилманглар! Душманимиз биздан ёмонроқ, шунинг учун бизга голиб бўлолмайди, деманглар! Қанчадан қанча қавмлар устидан улардан ёмонроқ бўлганлар голиб бўлишиди. Аҳли китоб Бани Исроил Оллоҳнинг газабини келтирувчи амалларни қилганларида мажусий кофиirlар улар устидан голиб бўлдилар.

Улар (Бани Исроилни ҳалок қилиши, асир олиши учун) ҳовли-жойларни оралаб кездилар. Бу адo қилингувчи ваъда бўлди²"³.

² Исро 5- оят.

³ Сиржоний "Қиссатут-татар" (333, 334 - бет).

Яъни Умар разияллоҳу анхунинг сўзи, мўғуллар мусулмонлардан ёмонроқ, шунинг учун ҳаргиз мусулмонлар устидан ғолиб бўлолмайди ёки яхудийлар мусулмонлардан ёмонроқ, демак улар ҳам мусулмонларга хукмрон бўлолмайди ёки мажусийлар ёки насронийлар ва бошқалар мусулмонлар устидан хукм юргизувчи бўлолмайди, деган сўзимизга равшан жавобдир. Яхудийлар аҳли китоб эдилар, бироқ улар ер юзида бузғунчилик қилиб, Оллоҳнинг ғазабига сабаб бўлган маъсиятларни қилдилар ва Оллоҳ азза ва жалланинг шариъатидан узоқлашдилар, шунда Оллоҳ уларнинг устига оловга сифинувчи мажусийларни хукмрон қилди. Ҳолбуки, яхудийлар мажусийлардан яхши ва афзал уммат эди.

Умар разияллоҳу анхунинг бу мактуби нақадар гўзал. У агар мусулмонлар гуноҳ ва маъсият ишларни қилсалар, мағлуб бўлиб, кофирлар уларга хукмрон бўлишига ишора қилмоқда. Агар улар Оллоҳга тақво қилсалар ва Раббилари ва унинг Расули йўлидан юрсалар, ғолиб бўлиб келган ҳарқандай душманни енгадилар. Улар душманларидан кучли бўлганлари, ададларининг кўплиги, тайёргарликнинг зўрлиги билан нусратга эришмайдилар, балки улар Раббиларига боғланганлари ҳамда душманлари эса оламлар Раббисидан узок бўлганлари учунгина душманлари устидан нусратга эришадилар. Мана шу ўринда нима учун 40 сана давомида мўғулларнинг мусулмонлар

устидан ғолиб бўлиб келганлиги ва айнан шу мўғул лашкари Айн-Жалутда мусулмонлардан енгилганининг сабабини фаҳмлаймиз. Шунингдек, тарих ва воқеликда жуда кўплаб ҳодисалардаги ўхшашлик ва такрорланишни англаймиз.

Умматнинг мажолсиз заифлиги, баъзида ғарбга, баъзан эса шарққа тобе бўлганини рухан тушкун, ҳайбатини йўқотган, баъзан қолоқ, баъзида нўноқликда айбланиб хўрланган, тирноқ остидан айб қидирилиб унга ҳар хил лақаблар ёпиширилганини, қонимизга ташналарни дўст тутилаётгани, мусулмон диёрларини вайрон, ҳароб қилаётганлар билан ҳамкорлик қилингани, мусулмонларни ўз юртларидан қувғин қилаётганларга садоқат билан ёндошаётгани, иқтисодларини синдираётганларга мадад беряётганлари, қўйингки хиёнатнинг барча турини кўрсангиз; буюк ислом умматининг душманлари назарида ҳеч бир қийматга эга бўлмай қолгани, яхуд ва салибчилар ёки сигирга сифиниб юрган бутпарамастлар ҳам уларга золимона босимлар ўtkаза олаётганининг сабабини кўрасиз. Ҳа, уммат Оллоҳдан узоқлашди, Уни унуди, амрларига хилоф қилди, кайтарганидан тийилмади. Оллоҳнинг назаридан тушган уммат устига Оллоҳнинг ўзи яхудий, салибий, ҳиндус, атеист ва бошқа золимларни келтириб қўйгандир. Буларнинг барчасига гувоҳ эканмиз, тушкунликка тушиб, ноумид бўлиш эмас, балки тарихдан ибрат олиб, нажотимиз унинг

қўлида бўлган зот Оллоҳ таолога қайтиш ва атрофдагиларни бундан воқиғ қилиб қайтариш, амал қилиш лозим бўлади. Зеро, тарих ўз-ўзини такрорлайди. Минг йилларча тарихнинг бу қоидаси ўзгармади, ўзгармайди ҳам. Ҳақ ва ботил орасидаги кураш то қиёмат давом этади. Оллоҳнинг марҳамати ва саодатига лойиқ кишилар тарихдан тўғри хулоса қилишга мусассар бўладилар. Оллоҳ барчамизни ўшалар сафидан қилсин.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: "*Оллоҳ бандасининг тавбаси билан, кимсасиз саҳрода озиқ-овқати ортилган туяси қочиб кеган кишиидан ҳам кўпроқ хурсанд бўлади.* (тасаввур қилинг) *Туяни топишидан умиди узилгач, ноумид бўлиб бир дараҳт соясига бориб* (ўлимини кутганича) *ётиб олди. Бир вақт қараса, туяси олдида турибди.* Унинг тизгинидан тутганича қаттиқ хурсанд бўлиб кетгинидан тили адашиб: «*Эй Парвардигор! Сен бандамсан, мен роббингман*», деб юборди⁴. (Оллоҳ бандасининг тавба қилишиидан ана шу кишиидан кўра ҳам кўпроқ хурсанд бўлади)".

Кўриб турганингиздек ғалаба ёки мағлубиятнинг асоси тақводир. Агар мусулмонлар Раббилирига боғлансалар нусратга эришадилар, Ундан узоқлашганда

⁴ Имом Муслим ривояти.

эса мағлубиятга дучор бўладилар. Оллоҳ таоло бирор кишига зулм қилмайди, лекин инсонлар ўзларига зулм қилурлар. Оллоҳ таолодан динимизга гўзал суратда қайтаришини ҳамда Ислом ва мусулмонларга азизлик ва нусрат беришини сўраймиз.

Дамашқнинг мўғуллардан озод қилиниши

Айн-Жалут жангида улуғ ғалабага эришган Кутуз ва унинг лашкари ўз олдларига қўйган мақсадлари энди бошланди, десак ҳам бўлади. Мўғуллар Шомнинг бошқа шаҳарлари Дамашқ, Ҳимс, Ҳалаб ва бошқа жойларида ҳали ҳукмрон эди. Шунингдек мўғуллар, Ироқ, Туркия, Форс ва бошқа Ислом мамлакатларда тарқалиб кетган эди. Ислом ўлкалари мўғуллардан тамоман тозаланмасдан ёзнинг жазирама иссиғида Сино сахросини кесиб ўтган, саноқсиз шаҳидлар берган, мислсиз аламлар чекиб, жароҳатлар олган Ислом лашкари ва қаҳрамон Кутузнинг кўнгли хотиржам бўлмаслиги аниқ эди.

Дарҳақиқат, Ислом лашкари июл ойида Сино сахросини кесиб ўтиб, Ғазода мўғуллар билан жанг қилган, сўнгра Фаластииннинг жанубидан шимолига томон босиб ўтиб, Аккога етиб борган, сўнгра Айн-Жалутга қараб ортга қайтган эдилар. Айн-Жалутда мўғуллар билан катта тўқнашувдан кейин, Бейт-Шеандада

уларнинг қолган қисми билан ҳам жанг қилди ва ғалаба қозонди.

Кутузнинг бундан кейинги қадами бевосита Дамашқ бўлди. Лашкар бир муддат ҳам дам олмасдан шимолга Дамашқ сари отланди. Айн-Жалут билан Дамашқ орасидаги масофа тахминан 150 км эди. Мўғулларнинг катта мағлубиятидан унумли фойдаланиш, уларнинг қайта оёққа туришига йўл қўймаслик, зудлик билан ёндош мусулмон шаҳарларни ҳам улардан озод қилиш айни муддао эди. Агар вақтни бой берилса, Хитой, Мўғулистан, Европа, Форс ва бошқа жойлардан мўғулларга мадад келиб, ўзларини тиклаб олиши мумкин эди. Моҳир саркарда Кутуз раҳимаҳуллоҳ Дамашқни мўғул гурухларидан тозалаш сари одим қўйди. У Айн-Жалутда мўғул лашкарининг биттаси ҳам тирик қолмаганини яхши биларди. Яъни Дамашқдаги мўғулларга Айн-Жалут фожиаси хабари етиб бормаган. Кутуз раҳимаҳуллоҳ 658 х.с. 27 рамазон / 1260 м.с. 12 сентябр якшанба куни Табарияга келди ва Дамашқ аҳлига Айн-Жалут жангидаги улкан ғалаба муждасини ўз ичига олган мактуб билан элчи жўнатди⁵. Бу хабар Дамашқдаги вазиятни остин-устин қилиб юборди. Мусулмонлар маънавияти қанчалар юксалса, мўғулларники эса шунча тушди. Мўғулларнинг босими остида бирор ҳаракат ва қаршилик қилмасдан жимгина

⁵ Макризий "ас-Сулук" (1/517 - бет).

юрган мусулмонларга нусрат хабари келиши билан ўзларини ҳимоя қилишга киришдилар. Баъзилар насронийлардан ўч олишга бел боғладилар, уларнинг жойларини ва канисаларини вайрон қилиб, бир қанча насронийларни қатл қилдилар⁶.

Бу мактуб 658 ҳ.с. 27 рамазон / 1260 м.с. 12 сентябр якшанба кечаси етиб борган эди⁷. Дамашқда катта қўзғолон, инқилоб бошланди, мўғулларнинг бир қисми ўлдирилди, бир қисми асир олинди ва яна бир қисми шимол томонга қочиб қолиши. Халқ ўша ночор халқ, мўғуллар ҳам ўша мўғуллар! Лекин Айн-Жалутдан келган хушхабар вазиятни буткул ўзгартирган эди. Айн-Жалутдаги намуна натижасида халқ қаршилик қилиш, ҳимояланиш ва Оллоҳ йўлида жанг қилишга қодир эканини англади. Ҳукуматни бошқариб турган мўғулларнинг умуман ҳайбати қолмади ва инқилобчиларга қарши туришга тоқат қилолмади. Дамашқ бир неча лаҳзалар ичида мўғуллардан озод қилинди⁸. Мўғуллар Дамашқни босиб олганига 7 ойу 10 кун бўлган эди⁹.

⁶ Мақризий "ас-Сулук" (1/517 - бет).

⁷ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/402),

⁸ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/402),

⁹ Макризий "ас-Сулук" (1/517 - бет).

Кутуз раҳимаҳуллоҳ 30 рамазон куни, яъни мактуб
келганидан уч кундан кейин Дамашққа келганида
шахарда битта ҳам мўғул қолмаган эди.

Қутуз ва Миср лашкарининг Дамашққа келиши

Кутуз раҳимаҳуллоҳ 30 рамазон / 15 сентябр
чоршанба куни Дамашққа келиб, ҳарбий лагерини
ўрнатди, сўнгра 2 шавволда Дамашққа кирди¹⁰. Йўл
атрофига безаклар осилган, эркак, аёл ва болалар пешвоз
чиқиб қаҳрамон малик Музаффарни кутиб олдилар. 40
йилдан бери мусулмонлар бу қадар севинмаган, хурсанд
бўлмаган эдилар. Ҳа, бу ҳақиқий хурсандчилик эди!

"(Эй Мухаммад), айтинг: «Оллоҳнинг фазлу
марҳамати ва раҳмат-мехрибонлиги билан – мана шу
(неъмат) билан шод-хуррам бўлсинлар. (Зоро), бу улар
тўплайдиган мол-дунёларидан яхшироқдир»¹¹

Бу шодлик - Оллоҳ динининг нусрати, бу дунё
лаззатларидан ҳеч бирига қиёслаб бўлмайдиган
Исломнинг олий ва мусулмонларнинг азиз бўлиш
хурсандчилиги, буюк шодлик эди.

¹⁰ Мақризий "ас-Сулук" (1/517 - бет), Ғомидий "Жиҳадул мамалик"
(126 - бет).

¹¹ Юнус: 58

Мумлуклар лашкари Дамашққа кирди ва юртга ҳақиқий омонлик берилди, ҳатто насроний ва яхудийларнинг жонию молига ҳам тўлиқ омонлик берилди.

Дамашққа Нажмуддин Абу Бакр ибн Суннийнинг қози этилиши

Кутуз раҳимаҳуллоҳ Дамашққа мўғуллар қози этиб тайин қилган Ибн Закийни мансабидан четлатиб, унинг ўрнига Нажмуддин Абу Бакр ибн Суннийни қози этиб тайинлади¹². Янги қози мусулмонлар ва насронийлар орасидаги келишмовчиликлар устида ҳукм чиқарди ва ихтилофларга чек қўйди. Бу ҳукмга кўра бирорта насронийга мусулмон ўлкада зулм қилинмади. Ҳолбуки, насронийлар мўғуллар даврида мусулмонларнинг бошига не-не кулфатларни солган эди!

Шомнинг мўғуллардан озод қилиниб, Миср билан бирлашиши

Кутуз раҳимаҳуллоҳ Дамашққа келган куннинг эртасига рамазон ҳайити бўлиб, бу байрам мусулмонларга 40 йилдан бери ўтган байрамларнинг энг улуғи, нафақат рамазон ҳайити, шу билан бирга нусрат ва тамкин билан қўшалоқ байрам бўлган эди.

¹² Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (17/405).

"коғир бўлган кимсаларнинг сўзларини тубан қилиб қўйди, Оллоҳнинг сўзигина олий сўздир. Оллоҳ қудратли, ҳикматлидир"¹³

Кутуз вақтни бой бермасдан Ислом лашкари муқаддимасини Рукнуддин Бейбарс бошчилигига Шомнинг бошқа шаҳарларини ҳам мўғуллар исканжасидан озод қилиш мақсадида қочиб қолган мўғуллар ортидан юборди. Бу Ислом лашкари Ҳимсга етиб келди ва мўғулларнинг ҳарбий лагерига хужум қилишди, мўғуллар саросимага тушиб, ҳовлиқанларича қочиб қолишиди. Вазият бутунлай алмашган эди. Мусулмонлар минглаб биродарларини асирикдан озод қилдилар ва мўғулларнинг ортидан тушиб, аксариятини қиличдан ўтказдилар ва қолганларини асир олдилар. Мўғуллардан тирик қолганлари бошпанасиз, қувфинда қолдилар. Ҳа, Ҳимс ҳам қисқа фурсат ичида озод қилинди¹⁴. Сўнгра Ислом қуввати Ҳалаб томон отланди. Мўғуллар, ҳуркиб ўзига тешик ахтарган сичқон мисоли шаҳардан қочиб қолишиди. Мусулмонлар уларнинг кетидан тушиб, бир қисмини ўлдирдилар ва яна бир қисмини асир олдилар. Оллоҳ таоло кўз очиб юмгунча бир ҳолатни иккинчи ҳолатга ўзгартириб қўйди. Мусулмонлар Шом¹⁵ диёрини бир неча ҳафталар ичида

¹³ Тавба: 40

¹⁴ Макризий "ас-Сулук" (1/517 - бет), Саллабий "ал-Мўғул" (365 - бет).

¹⁵ Шом - Сурия, Ливан, Фаластин ва Урдунни ўз ичига олади.

мўғуллардан озод қилишди. Шом янгидан мусулмонлар кўлига кирди¹⁶. Оллоҳ азза ва жалладан шу кунларда Шомнинг қалби Сурияда бўлаётган қирғинларни ҳам мусулмонлар фойдасига ҳал қилиб, Шом ва бошқа Ислом ўлкаларини ҳамиша озод ва иззатда бўлишини сўраб қоламиз.

Сўнгра Кутуз энг улуғ масалани ҳал қилишга киришди. Бу масала Шом ва Мисрни қайтадан бирлаштириш режаси эди. Шом Мисрдан 648 х.с. Солиҳ Нажмуддин Айюб вафотидан сўнг ажралиб кетган ва улар ўртасида тўлиқ ўн йил давомида кескин ихтилоф ва келишмовчиликлар давом этиб келган эди. Бу ислом ўлкаларини Кутуз янгидан бирлаштириб, бир бутун давлатга айлантирди. Мусулмонлар бахтиёр онларни бошдан кечира бошладилар¹⁷.

Шомга амирлар тайинлаш

Кутуз шаҳарларга волийлар тайин қилишни бошлади. У доҳийлигидан баъзи Айюбий амирларни ўз мансабларига қайтарди. Кутуз энди уларнинг хиёнатларидан қўрқмас, чунки улар Кутуз ва унинг лашкарига tengлашадиган кучга эга эмаслигини яхши

¹⁶ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (17/402).

¹⁷ Саллабий "ал-Мўғул" (365 - бет), Сиржоний "Қиссатут-татар" (340, 341 - бет).

биларди. Кутуз Ҳимс амирлигини Ашроф Айюбийга тақдим қилди. У бир пайтлар мўғуллар билан иттифоқдош бўлган, лекин кейин надомат қилиб, тавба қилган ва мусулмонлар сафига қайтган эди¹⁸.

Ҳалаб амирлиги Алоуддин ибн Бадруддин Луълуъга берилди¹⁹. Маълумингизки, унинг отаси Мосулнинг амири Бадруддин Луълуъ мўғулларга ўта садоқатли киши эди. Унинг оламдан ўтганига кўп бўлмаган эди. Аммо унинг ўғли Алоуддин эса, Кутузни ва мусулмонларни қўллади ва унга садоқатли бўлди. Кутуз раҳимахуллоҳ қора ҳарфлар билан битилган отанинг тарихини ўғлига ғов қилмади.

Бу ўриндаги нозик нуқта, Кутуз Рукнуддин Бейбарсга агар Ҳалабни мўғуллардан озод қилсанг, волийлигини сенга бераман, дея ваъда берган эди. Лекин Бейбарс Ҳалабни озод қилганда, юқорида зикр қилганимиздек Алоуддинга берди. Бу эса Рукнуддиннинг Кутузга нисбатан адватига сабаб

¹⁸ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (17/401, 404), Мақризий "ас-Сулук" (1/517 - бет).

¹⁹ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (17/401, 404), Мақризий "ас-Сулук" (1/517 - бет).

бўлди. Кутузнинг озгина эътиборсизлик ила ваъдасида турмагани ўз ҳаётига зомин бўлди!²⁰

Кутуз ҳар бир кишини қудратига яраша муомала қилиб, Ҳамаҳ амирлигини ўз эгасига, яъни Айн-Жалут жангиди мусулмонлар томонида туриб жанг қилган амир Мансурга топширди²¹. Китбуғани ўлдирган амир Жамолуддин Оқушни Фаластин ва Ғазога волий этиб тайинлади²². Дамашқни Аламуддин Санжар Ҳалабийга берди²³. Шу тариқа Шомдаги вазият барқарорлашди ва Исломнинг шавкати ортди. Яхудий ва насронийларнинг мусулмонларга таҳдид солишга мажоли ҳам қолмади.

Шом шаҳарларига волийларни тайин қилиш ва мамлакатда тартиб ўрнатиш учун 25 кун атрофида вақт кетди. Султон Кутуз раҳимаҳуллоҳ 658 ҳ.с. 26 шаввол / 1260 м.с. 11 октябр душанба куни Мисрга пойтахт

²⁰ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (17/404), Фомидий "Жиҳадул мамалик" (128 - бет).

²¹ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (17/401, 404), Макризий "ас-Сулук" (1/517 - бет).

²² Макризий "ас-Сулук" (1/517 - бет), Фомидий "Жиҳадул мамалик" (126 - бет).

²³ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (17/405), Макризий "ас-Сулук" (1/518 - бет), Фомидий "Жиҳадул мамалик" (126 - бет).

Қохирага бир қатор сиёсий ишларни тартиблаш ва идора қилиш мақсадида йўлга отланди²⁴.

Ортга бир назар қилсак, Кутузнинг ҳокимият тепасига келганига атиги 11 ой бўлган эди, холос. Чунончи у 657 ҳ.с. 24 зулқаъда куни / 1259 м.с. 19 ноябрда тахтга ўтирган эди. Мана ҳозир 658 йил шавволнинг охирида Қохирага қайтаяпти.

Шу тариқа мусулмонлар мўғуллар устидан ғалаба қозондилар.

Айн-Жалут маъракаси самаралари

Айн-Жалут жанги гарчи қисқа муддатда юз берган ва бир кунда ниҳоясига етган бўлсада, унинг самараларини қанчалар катта ва улуғ эканини тасаввурга сифдириш қийин. Бу ўринда унинг самараларини тўлиқ ўрганиб чиқишга вақтимиз етмасада, енгил зикр қилиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Бу мавзу таҳлилчилар учун фоят аҳамиятлидир.

Биринчи самара: Оллоҳ таоло амридан йироқлашган мусулмонларнинг Оллоҳ азза ва жаллага қайтишлари. Мусулмонлар бу жангга ҳозирлик қўриш

²⁴ Мақризий "ас-Сулук" (1/519 - бет), Ғомидий "Жиҳадул мамалик" (128 - бет).

асносида, жанг пайтида ва ундан кейин Раббилирига қайтдилар. Улар Оллоҳга қайтганларида қўпчилик таҳлилчилар ҳақиқий мўъжиза, деб эътибор қилган нусрат рўёбга чиқди. Буни одамлар яхши тушуниб етдилар. Мусулмонлар Айн-Жалут маъракасидан сўнг, урушдаги ҳақиқат Оллоҳнинг амри асосига кўра бўлишини англадилар.

Иккинчи самара: Айн-Жалут ғалабаси узоқ вақтлардан бери уларни қийнаб келаётган руҳий тушкунликни бартараф қилди. Оллоҳ таолодан умидвор бўлиб, ноумид бўлмаслик шарт эканлигининг маъносини англадилар. Кофирлар қуввати ҳарқанча кучли бўлсада бир кун келиб завол топажагини тушуниб етдилар. Ва улар Оллоҳ таолонинг қуидаги каломининг мағзини чақдилар,

"Сизни кофирларнинг юртларда (бир неъматдан иккинчисига шўнгиб) кезишлари алдаб қўймасин! (Бу елиб-югуриш, ғолибона кезишлар) озгина матодир. Сўнгра жойлари жаҳаннам бўлгай! Нақадар ёмон жой у!"²⁵

Мусулмонлар Оллоҳ таолонинг амрига қайтиб, Маҳдий ёки бошқанинг лашкарини кутмай, ўзлари нусратга эришишлари ва душманга ғолиб бўлишлари

²⁵ Оли-имрон: 196, 197

мумкинлигини аниқ идрок қылсалар, Оллоҳ таоло нусрат беради. Тавба сурасида Оллоҳ таолонинг мусулмонлар тилидан айтган сўзига диққат қилинг:

"Биз эса сизлар учун Оллоҳ сизларга Ўз даргоҳидан ёки бизнинг қўлимиз билан бир азоб етказишини кутмоқдамиз"²⁶

Демак, мусулмонлар ўzlари ҳаракат қилиб, амал қилишлари лозим, сўнгра Оллоҳ таоло ўзи истаган бандаларига нусратини нозил қилади.

"Агар Оллоҳ сизга бирон зиён етказса, уни фақат Ўзигина кетказа олур. Агар сизга бирон яхшилик (етказиши) ирода қилса, Унинг фазлу марҳаматини қайтара олгувчи йўқдир. У ўзи хоҳлаган бандаларига яхшилик етказур. У мағфиратли, меҳрибондир"²⁷

Валлоҳу таъала аъلام....

Вассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

²⁶ Тавба: 52

²⁷ Юнус: 107